



Бир сотқиннинг чакувларида
жўмардларнинг таърифлари



ДХК бисотхоналарида 554335-сон раками ила хатланган ва олтмиш уч йилдан бери етти кулф остида сакланаётган «ИШ»га бугунги кун кўзкарашлари.

Бир соткиннинг чакувларида жўмардларнинг таърифлари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Улуг Тангрига шукрки, шундай замонларга етказиб, огзимиздаги кулфларнинг очилишига, тилимиздаги тушовларнинг ечилишига, кўзимиздаги пардаларнинг сурилишига, кўлимиздаги кишанларнинг узилишига эриштирди, эс-хушимизни йигиб олишимизга имкон берди, мазлум кўксимизни кўтаришимизга, хиёл бўлса-да эркинрок нафас олишимизга бизларни муяссар айлади. Хам илкимизга калам тутказиб, ушбуни ёзишга юрагимизни мойил килди.

Буюк турк ўғлони Исмоил Гаспиралининг шогирди ва собит издоши, негадир узокрок ухлаб колган Туркистон бобони асрий уйкудан уйготишга, занжирбанд шерни занжирдан халос этишга катъий бел боглаб чиккан жадидлардан бири ва ўнгдори, эллик бир ёшли Мунаввархон Кори Абдурашидхон ўгли 1929 йил нўябирининг 5-куни махфий сиёсий полйтсайчилар томонидан хибсга олиниб, терговга тортилади. Чор Ўрусиясида Уктабир

тўнтариши рўй бериб, подшо ҳукумати ўрнига кизиллар ҳукумати келганининг ўн иккинчи йилида — болшавойлар давлати бепоён мамлакатнинг ич-ичларига хийла томир отиб, ўзини ўнглаб, анча-мунча куч йигиб, олган шу болшавойчилик негизида пайдо бўлган ИИХК (Ички Ишлар Халқ Кўмиссарлиги) исмлиқ идора гайрат билан ишга тушган, янги давлатнингда (худди эски давлатдек) юргўза бошлаган империячилик сиёсатида «жиддий хавф» соладиган аклли-зиёли кишиларни битталаб ё тўдалаб териб ола бошлаган эди.

Туркистонда жадидлар иши юзасидан Мунаввар Кори билан биргаликда бирданига ўттиз етти ватанпарвар сўрокка тортилади. Буларнинг кетидан тагин кирк бир киши бор-йўги халқининг, миллатининг, динининг тақдирига кайгургани учун тергов бера бошлайди. Уларнинг орасида соткинлари ҳам, лакмалари ҳам, иккала томонга хизмат килганлари ҳам бўлган, аммо, шукрки, иймонлилари, мардлари кўп эди. Жами етмиш саккиз (78) кишининг турфа ранг хаёт мазмунлари жами ўн саккиз (18) жилддан иборат хар бири гўладай семиз-семиз тўпламлар катига кўмилади, жилд устларига «МУНАВВАР КОРИ ВА БОШКАЛАР» деб ёзилади ва «Мутлако махфий» дея тамгаланади-да... тарих саҳифаларидан юлиб ташланади.

Туркистон бобо тагин гафлат уйкусида колаверади.

Жадидларнинг тугилганини, уларнинг ниятларини ўз вақтида Чор ҳукумати ҳам пайкаган. Кул Туркистонда диний ва миллий уйғониш содир бўлаётганидан, истилочиларнинг сиёсий найранглари фахм-фаросати етадиган ва, сал кўйиб берилса, бу «кора халқ»ни озодлик курашига кўтаришга ва бу курашни мохирлик билан бошқаришга курби етадиган маърифатли ва миллатпарвар бутун бир авлод шаклланаётганидан таҳликага ҳам тушган. Аммо бу ўртада Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетиб, истилочи Чор ҳукумати жаҳон майдонига ташланган катта суяк билан овора бўлиб колдию чеккалардаги миллийчилар билан жиддий шугулланишга имкон тополмади. Шунда ҳам махфий идораглари, мустамлака сиёсатининг бу ўлкага юборилган мафкурачилари уларни хамиша кўз остларида саклаб турар, ҳам маънавиян, ҳам жисмонан эзиб ташлашнинг кулай мавридини пойлар эди.

Мана шу вазиятда Ўрусияда ҳокимият тўнтариши юз берди ва бу ходиса тарихга Уктабир тўнтариши номи билан кирди. Шундай қилиб, ижтимоий аҳвол иккинчи марта Халакит қилди ва Чор мустамлакачиларининг ниятлари яна амалга ошмай қолди. Лекин бу дегани — шум ният ўлди, миллийчилар таъқибдан қутулишди, дегани эмас эди. Чунки энди уларнинг изига болшавойлар давлати тушади. Тўнтариш оқибатида шакл ўзгарган, аммо мустамлака ўлкаларга муносабат зимдан ўша илгаригидай қолган эди. Модомики империячилик сиёсати сакланиб қолган экан, Оқ подшога хавф қолган миллий маърифатчилар Кизил кўмиссарни таҳликага қолмайдими? Маърифатсизлик устига қурилган давлат, маърифатсизликни шиор қилиб, байроқ қилиб қўтарган давлат маърифатчилардан кўркишда эски ҳукуматдан-да ўтиб тушди. Фақат? бу янги давлат дастлаб — бутун мамлакатда ўз ҳокимиятини мустаҳкам ўрнатиб олгунча, ўзининг қучига ишонч қосил қилгунча «икки қадам орқага» чекиниб туришга мажбур бўлган, яъни, ҳозирча чет ўлкалар тинч турсин, деган мақсадда «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш»ига ваъдалар бериб, алдаб турган эди. Нихоят, биродарқушлиқ урушида ваҳшийларча галабага эришиб, янгича бошқарув тузилмасини (структурасини) жорий этиб бўлгач, Оқ подшодан мерос қолган шум ният эсига тушади ва йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида пистирмадан чиқиб, энди икки қадам олға ташлайди-да, ўша ниятни енг шимариб амалга оширишга қиршади. Жадидларни 1922, 1924 йиллари

бир-икки безовта килишлар ўзига хос айгок, кучни чамалаб кўриш эди, 1929 йилга келиб ростмана киргинга ўтилади. «Мунаввар Кори ва бошқалар» иши мана шу тарз юзага келади.

Хўш, Мунаввар Кори ва бошқалар ўзи кимлар эди? Уларнинг максадлари нима бўлган? Ок ҳукуматни-да, Кизил ҳукуматни-да бирдай чўчитадиған нима иш килганлар?

«...айгокчилик хабарномаларидан бу юкорида исмлари зикр этилган фукаролар Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга каратилган фаолият кўреатаётганликлари, яъни, Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуаси 58-модданинг 10-кисмида ва 66-модданинг 1-кисмида таърифланган жиноятни содир этганликлари маълум бўлади. Шунини эътиборга олиб, Бутуниттифок Марказий Ижроия Кўмитасининг 1922 йил 16 ўктабирида чиқарган қонунга мувофиқ ҳамда Бош Сийёсий Бошқарманинг (ГПУнинг) 1922 йил 287-сон ва 1923 йил 362/29-сон буйруқларига мувофиқ...» Мунаввар Кори бошлик- ўттиз саккиз киши устидан дастлабки терговларни бошлашга қатъо берилади. Бу расмий қатъо ҳужжати Бош Сийёсий Бошқарма Ўрта Осиё бўлими Шарқ бўлини масининг Катта вакили (катта ваколатли деб ўқилса ҳам бўлади) Агидуллин тайёрлаган, бўлинма бошлиги Круповский «Розиман» деб имзо чеккан, БСБ Ўрта Осиё бўлимининг бошлиги Белский «Тасдиқлайман» деб кизил қаламда қўл қўйган.

Мазкур ҳужжатдан биламизки, Мунаввар Кори ва бошқалар «Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга каратилган фаолият кўрсатганлар» экан. Бу фаолият нималарда кўринади?

Бу саволга жавоб бермок учун бизнинг ихтиёримизда икки йўл бор. Бири — тарйхдан билган маълумотларимиз ва 18 жилдлик ҳужжатларга суяниб ўзимизнинг мулоҳазаларимизни билдириш. Иккинчиси — бевосита ҳужжатларнинг ўзига мурожаат этиш. Хар икки йўл ҳам ўзича самаралидир. Хар икки йўл уйғунлаштириб юборилса, ундан ҳам аъло. Биз мазкур мақолада иккинчи йўлни тутишга қарор қилдик. Бирок ҳужжат деяётганимизнинг ўзи сонмингта. Терговнинг «илтимоси»га биноан ёзилган Мунаввар Корининг бутун бошли хотиранмасини келтирайликми, бошқа иштирокчиларнинг кўргазмаларини келтирайликми? Биз яна иккинчи йўлни танладик. Танлаганда ҳам ўша ўттиз саккиз кишининг ичидан чиққан бир соткиннинг битикларини эълон қилишни лозим қўрдик. Бизнингча, унинг чакув кўргазмалари шунинг учун ҳам қимматлики, аввало, у—ўз қўли билан ёзилган ҳужжат; иккинчидан, халқимиз ўзининг мард ва ватанпарвар ўғлонлари каторида соткин,- қўрқок болаларининг ҳам номларини билиб қўйсин; учинчидан, бу соткин ўз атрофидагиларни анча тиришиб, анча тўлик сотгани боис биз йигирманчи йиллардаги умумий вазиятни, зиёлиларимизнинг умумий қайфиятларини, дард ва аламларини харҳолда қенгрок билиб оламиз. Ва ниҳоят, тўртинчидан ва энг муҳими — биз бундан сабоқ чиқарамиз. Орамизда қуёшпана қўзойнақларини ярақлатиб, латтахочларини (бўйинбоғ) ястикчасидан тутиб кишибилмас тўғрилаб-тўғрилаб, ҳаммамизга қўшилиб ташвишланиб, ҳаммамизга қўшилиб қулиб юрадиган, аммо фурсат пойлаб, битта ортиқча йўталимишни-да қолдирмай тегишли жойларга етказиб турадиганларимиз билиб қўяйликки, иймонсизлик иллатдир, бугун биз ҳақиқат деб ҳисоблаб юрган нарсалар, бугун биз худо деб қигиниб юрган қимсалар Тангрининг инояти билан бир қун асл қолларида намоён бўлажаклар, халқ барчамизнинг қилмишларимизни қайтадан баҳолаяжак ва биз мингинчи бор иқрор бўлурмизки, бу дунё қайтар дунё экан...

Биз соткин деб атаётган йигитчанинг исмлари Мадхиддин, фамилиялари Мухаммедов. Оталаридан қелсак, Солихович. Тергов чоғи айни 19 ёшда бўлганлар. Ҳужжатларда

«студент» деб кайд килинган. Елгон кўргазма учун жавобгарлик борлиги тўғрисида огохлантирилганларидан сўнг ўз устозлари, кариндош-уруглари ва дўстларининг «башаралари»ни илхом билан фош этишга тушадилар. Терговчи сўраган-сўрамаганини ҳам ўзларидан кўшиб, гапираверадилар, бакирок бир сарлазха кўйиб, ростмана рисолача шаклда «асар» ёзадилар ва бировнинг бировнигига меҳмонга борганидан ҳам яширин маъно топадиган даражада усталик ила биратўла элликка якин кишига сиёсий баҳо берадилар. У киши ёзаверадилар, Бош Сиёсий Бошкарманнинг чаккон таржимонларй пешма-пеш ўрисчага ўгираверишади.

Афсуски, туркийчасини ўқишга қийналганимиздан ўрисчасини кўчириб олган эдик, энди ўшани яна туркийга қайта таржима қилиб беришга мажбур бўляпмиз. Сўзлар ўзгарган бўлиши табиий, аммо мохиятига тегинмадик. Факат бироз кискартирдик ваикки қайтадан берган кўргазмаларини битта холга келтирдик. Яна қайтариб айтамызки, ўзимиздан кўшмадик, ўзларидан эшитиб кўяколдик.

Жадидлар ва уларнинг сиёсий башаралари хақида

Жадидлар (ёки, бошқача айтганда, тараккийпарварлар) Туркистонда Ўқтабир инкилобидан илгари Ўрусия буржуазиясига ва Туркистонда ҳукм сураётган феодал колокликка қарши курашга отланганларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиққан эдилар. Улар ўрис буржуазиясининг мустамлакачи сиёсатидан норози эдилар ва унга қарши курашардилар. Маҳаллий аҳолининг эскича турмуши ва колоклигига, бу колокликнинг илхомчилари бўлмиш рухонийларга қарши ҳам жон-жаҳдлари билан қарши чиқдилар.

Хуллас, жадидлар курашининг асосида феодализм ва эски турмуш асосларини бузиш, миллий буржуазия давлати тузиш мақсади ётарди. Бу ҳаракатнинг кўпчиликлари машҳур бўлган раҳбарлари қуйидагилардир: Мунаввар Қори, Мурод Хўжа Домулла, Имом Хожи Халилий, Хасан Қори, Салимхон, Абдулла Авлоний, Шорасул Зуннун, Шаҳид Эсон, Мир Гейди, Абдувахоб Муродий ва Мажид Қодирий.

Улуг Ўқтабир инкилоби эски тузум асосларини бузиб, янги ҳаётга кенг йўл очиб, жадидларни боши берк кўчага киритиб қўйди. Чунки инкилоб феодализмни яқсон қилди, бу билан қаноатланмай, савдо буржуазиясига ҳамда жадид-тараккийпарварларга оғир, ҳалокатли жароҳат етказди. Шундан кейин жадидлар ўз фаолиятларини тўхтатдиларми? Қайда... Улар ўлар ҳолатларида бўлишларига қарамай, бор қучларини фаолиятни давом эттиришга қаратишди. Бу орада уларга ҳарбий асир турк зобитлари (офитсерлари) ёрдамга қелишди. Булар жадидларнинг яраларини даволаб, оёкка тургаза бошлашди. Ишларига раҳбарлик қилишди, юракларида қайтадан миллатчилиқ туйғуларини кўзгатишди. Аста-секин жадидлар қучга қайтишди. Бунга барча совет мактаблари уларнинг қўлида эканлиги ҳам қўл келди. Ўсиб келаётган ёшлар уларнинг таъсир доирасига тушиб қолди. Синфимиздаги турк Қамол ШАМСИЙ ватан тўғрисида кўзда ёш билан қуйлагани яхшигина эсимда турибди. Ўрислар билан бошқа оврупаликлар Туркияга ҳужум қилишяпти, ўз миллатларининг ҳуқуқини ҳимоя қиласизлар деб сизларга қатта умид боғлаганимиз, деган эди ўшанда.

ШОРАСУЛ ЗУННУН бизга миллатчилар ёзган туркча шеърлар ўқирди ва юракларимизга сингдиришга ҳаракат қиларди. Мисол учун, у турк шоири Мухаммад Омилбекнинг ва ўзбек шоирлари Чўлпон билан Фитратларнинг миллатчилик руҳидаги шеърларини ўқирди.

ЭСОН АФАНДИ Туркия урушдан голиб бўлиб чикканини ва бу галаба тарихда улкан сиёсий аҳамиятга эга эканини айтган. Кейин Туркия ҳаётини эслашга тушиб кетарди ва яна айтардики, Туркистон муслимлари Туркия раҳбарлиги остига ўтиши лозим, турклар билан кўлни кўлга бериб, бир йўлдан юриши керак. Совет ҳокимиятига келганда, мусулмонларга бу ҳокимият бир чакалик ҳам фойда бермайди, деб айтарди. Эсимда, дарслардан бирида Шорасул ҳам худди Эсоннинг гапларини такрорлаган. Бир куни кўчада Шорасулни учратиб қолдим. У жуда қайғули қиёфада эди. Сабабини сўрадим. «Бу миллат ўзи миллат эмас!» деди. Бўлмаса, нима, десам, «Иллат!», деб жавоб қилди. Нега, деб сўрадим тагин. «Чунки булар ўзинг ягона одамларини хибсга олганларини билатуриб ҳам ҳеч қанака чора қўрмапти!» деди.

Совет ҳокимиятининг иккинчими, учинчими йили жаҳидлар орасида бўлиниш юз берди. Мунаввар Кори, Мурод Хўжа Домулла, Шорасул Зуннун ва Эсон Афанди бошчилигидаги айримлари эски нуктаи назарда турардилар. Эшон Хўжа Хоний, Хасан Кори, Салимхон, Мир Гейди ва Ваҳоб Муродий бошчилигидаги бошқалари эса, ўз гоё-мақсадларини совет ҳукуматидан фойдаланиб амалга ошириш йўлига ўтдилар. Лекин булар ўз қарашларининг ҳато эканига тезда ишонч ҳосил қилиб, тагин аввалгиларга қайтиб қўшилдилар (В. Муродов тўғрисида бир нима дея олмаيمان). Учинчи бир тоифа эса, ўзларининг ҳато йўлда эканликларини англаб, тўла маънода совет ҳокимияти тарафига ўтдилар (масалан, Абдулла Авлоний).

Агар жаҳидларнинг ҳозирги мафқурасига назар солсак, улар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу ҳокимият қачон қуларкин, деб интиқ бўлаётганларини осонгина билиб оламиз. Қулашига эса, улар қатъий ишонадилар. Улар совет ҳокимиятининг (чет) душманлари билан бир сафдадирлар ва бу ҳокимиятни тугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман ҳоҳ ичдан, ҳоҳ ташдан қачон бу ҳокимиятга қарши ҳаракат бошлайдию қачон бу қураш авжга минаяди — улар шуни қутмоқдалар. Бу фикрларимнинг исботига қуйидаги далилларни келтираман. Афғонистонда тўпалонлар бошланиб, Бачаи Сақав Омонуллоҳонга қарши қурашаётган чоғлари ШОРАСУЛ ЗУННУН факат шу ҳақда сўзлар ва мен билан бундай баҳслашар эди: «Афғонистонда ҳокимият Бачаи Сақав қўлига ўтган захоти бизларнинг аҳволимиз енгиллашишига шубҳа йўқдир. Чунки унда инглизлар совет ҳокимиятига ҳужум бошлайдилар, биз бўлсак, бу имкониятдан фойдаланиб, Ўрта Осиёда миллий ҳукумат тузамиз, Бизда имкон қўп». Қанака имконлари борлигини сўраганимда, у жавобдан қочди. Шорасул ашаддий тормиллатчилардандир, бу борада у ҳамфикрларини ҳам ортда қолдириб кетади. Лекин табиатан ичимдан топ эмас, бошқаларга ўхшаб фикрларини яшириб юролмайди, қим унга хайрхоҳлик билдирса, бўлди, оғзидан гуллаверди. Боз устига, фикрларига ҳамманинг қўшилишини истади ва шунга қистайди. Советларга қарши маърузалар ўқий бошлайди. Мен унинг феъл-хўйини, ҳулқини яхшигина ўрганиб олганман. Қўришганимизда, унга: «Бунча озиб-тўзиб кетибсиз, Шорасул ака, мазангиз қочдими ё?» деб гап бошлайман. Бунга у: «Э, ука, шу миллат қайғуси мени бу аҳволга қолди-да. Фикру ёдим шу миллатда», деб жавоб қилади. Энг билими зўр болаларни у пивоҳонага ё ошҳонага бошлаб кетиб қолади, совет ҳокимиятига қарши ташвиқ қилади.

Ўқишга турк китобларини беради. Бизнинг Ўзбекистонда бунака мажаллалар йўк, деб афсуслариб гапиради.

Шорасул эски араб имлосининг тарафдори. У араб имлоси тарихий ахамиятга эга, ўзбеклар ўзлари колок бўлганлари етмагандай, энди яна битта колок миллатнинг кетидан боряпти, дерди. Араб имлосини мураккаблаштириб юборганларни кораларди. Аксинча, лотин алифбоси огир, дерди.

Ўрта Осиёга муносабатда

«Инглизистон Хиндистонни кай даражада эзаётган бўлса, Ўрусия ҳам Ўрта Осиёни шу даражада эзаяпти. Ўрта Осиё мустамлака асоратидадир. Бизнинг дехконларимизни зўрлик билан пахта экишга мажбурлашяпти ва хаммасини Масковга ташиб кетишяпти. Дехконларнинг ўзлари бу ерда оч-ялангоч колаётгани билан ишлари йўк»...

Бунака гапларни мен ундан ўзим эшитганман. Бундан ташкари Шорасул ўрислар билан тоторларнинг масъул лавозимларни эгаллаб олганларига карши эди. 1929—30-йили у Аёллар билим юртига она тили ўқитувчиси қилиб тайинланган эди. Бир аёл ундан техникумнинг илмий бўлим мудири ким — ўрис эмасми, деб сўраганида, у: «Албатта, ўрисда, ўрис бўлмай ким бўларди», деб жавоб қилган. Буни менга Бухарин мактабида хизмат қиладиган Акбар Аскарый айтди. Партия сафларини тозалаш кетаётган палла мен бир куни Шорасулни учратиб қолдим ва: «Мана, Партия сафларини сизнинг дунёкарашингиздаги унсурлардан тозалаяпмиз», деган эдим. у: «Партияни бизлардан эмас, бизларнинг мухитимизни партиядан тозаланглар», деб айтди. Партияни у зарарли касаллик деб ҳисобларди. Гарчи мен унинг умуман совет ҳокимиятига карши фарлиятдан қўп далиллар келтиришни зиммамга ололмасам ҳам, унинг хотинлар юзини очиш масаласига қарашлари тўғрисида айрим гапларни айта оламан. У ўзининг хотинини расман очгани билан амалда очмаган. Хотинини мактабга ё йигилишга, ё уюшма қошида ташкил этиладиган кечаларга қўймайди. «Хозир аёллар очилиб, бузилиб кетяптилар», дейди. Бунаканги ёт қарашлари учун биз уни Наримонов техникумидан хайдаганмиз. Эски шаҳардаги Ленин номли мактабнинг 8-синфида Шавкий деган бир ёш ёзувчи ўқирди, у фақат мактаб деворий газитига ёзар эди. У Чўлпоннинг давомчиси бўлиб, унга таклид қиларди. Мафкура жихатдан асов нарсалар ёзарди. Ўша мактабнинг 6—7-синфларида адабиётдан дарс берадиган Юнус Латифийнинг ҳамда Шорасулнинг ўзининг сўзига қараганда, Шавкийни Шорасул йўлга солиб тураркан. Шеърга мавзуларни ҳам у бераркан. Қанака йўналиш берасиз, деб мен Шорасулдан сўраганимда у: «Мен уни миллий руҳда шеър ёзишга ўргатяпман», деган. 1928—29-ўқув йилида Шорасул Наримонов техникумида адабиётдан дарс берган. Яна ўша ўзининг эски усулида, яна ўша эски адабиётга, хусусан, турк ва форс шоирларининг асарларига суяниб ўқитган. Ўқувчилар конференсида бунинг учун уни қоралашди ва ишдан бўшатишни таклиф қилишди. (Саҳифанинг шу ерига кейинчалик қизил қаламда энг таникли чекистлардан Огабеков деган терговчи: «Шавкий аксилинкилобий ташвикоти учун сургун қилинган», деб ёзиб қўйибди.)

Мен Шорасулдан: «Нимага пролетар адабиётга суянмай, эски адабиётга суянасиз?»

деб сўрасам, «Хохлаганимда ҳам пролетар адабиётини ўқитолмайман, чунки уни сизлар ўқитасизлар, мен эса хазм қилмайман, унга кизикмайман ҳам, у менинг рухий эҳтиёжимни қондиrolмайди», деди. «Адабиётда пролетар мафкураси ривожлана олмайди ва ҳоким мафкура бўла олмайди», дерди у. Шорасул эски имло бўйича она тилидан дарслик ёзган ва унга бўяб-бежаб ёт миллатчилик қарашларини ҳам сингдириб юборган. Масалан, у: «Яшасин советлар ҳокимияти!» деб ёзади-да, охирида: «Ўзбеклар уйгон!» деб қўшиб қўяди. Нимага бу сўзларни қўшгансиз, деган саволимга у қулиб туриб «Бу билан мен ўзбеклар орқа-олдиларига қараб ҳаракат қилсинлар, совет ҳокимиятининг асослари мустаҳкам эмас, унинг ҳозир ҳукмронлигидан фойдаланиб қолсинлар ва мустақилликка эришсинлар, дейман», деб жавоб қилади. Наримонов техникумида ишлаб юрган чоклари у ҳар хил латифалар, эртақлар айтиб, ўқувчиларни ўз-қўл остига жалб қилишга уринарди...

Ўқувчиларни Туркиянинг миллатчилик руҳидаги адабиёти билан таъминлаб туради. Шунака китоблардан у, Юнус Латиповга, Гулом Кодир Хикматий (Каримий)га, Сафо Зуфаровга, Юсуфжон Иноғомовга берган.

Ўтган йили мен Тошкент йўқсил ёзувчилар жамиятида ўқиш учун Ойбек асарлари тўғрисида маъруза ёзганимда менга турк миллатчи шоири Турхон Сайфийнинг шеърий тўплами керак бўлиб қолди, чунки Ойбек узок вақт Турхон Сайфийнинг таъсирида шеърлар битган, Қутубхоналардан излаган китобимни топмай, Шорасул Зуннунга мурожаат этдим. Шорасул Зуннун аввалига қўнмади, кейин бари бир бериб турди. Шунда ҳам Турхон Сайфийнинг тўпламини эмас, балки унинг битта шеъри босилган «Расмий ой» журналоидан икки нусха берди.

Унга ҳамфикр талабалардан **ГУЛОМ КОДИР КАРИМИЙ** билан **НИЗОМ ЭШОНИЙ**ни биламан. Улар иккаласи ҳам миллатчилик мафкураси билан захарланган эдилар. Масалан, Гулом Кодир эски миллатчи адабиётнинг катта мухлиси, Чўлпоннинг мухлисидир. Янги йўқсиллар адабиётини у ёмон қўради ва мутлақо ўқимайди. Мен техникум талабаси Шодмон Тўхтаевдан бир гап эшитдим, яъни Гулом Кодир Каримий Шарифа Саид Носированинг (Пед. билим юртининг собиқ ўқувчиси. У ердан ёт унсур сифатида ҳайдалган) шеърлар дафтарига Ўзбекистон тўғрисида бир шеър битибди. Ўша шеърида Гулом Кодир Ўзбекистонни катта дарахт соясида қолиб қетган ёш нихолга ўхшатибди ва катта дарахт қуёш нурларини ёш нихолга ўтказмаётгани ҳақида ёзибди. Катта дарахт деганда у ўрисларни назарда тутган. Нияти аниқ.

ЭШОН ХЎЖА ХОНИЙ — менинг яқин қариндошим (онамнинг укаси), бир ховлида бирга яшаймиз. Собиқ жаҳид Туркистонда жаҳидлик ҳаракатида фаол иштирок этган, мафкура жихатидан ёт унсур. Совет ҳокимиятининг айрим тадбирларидан қаттиқ норози. Масалан, пахтачилик соҳасини қенгайтириш кампаниясидан ва бугдой етишмовчилиги муносабати билан жуда норози бўлган. У менга дердики, Ўзбекистонда ун таҳчиллиги қаттиқ сезилиб турган бир маҳалда Масков дехқонларни пахта экишга мажбур қилляпти, боз устига, Масковнинг ўзи ваъдасига ҳилоф равишда Ўрта Осиёга бугдой етказиб бермаяпти, натижада дехқонларни ун билан таъминашда мана шунақа қийинчиликлар юзага қелляпти. Бир сўз билан айтганда, пахтачилик тармоғини қенгайтириш аҳолининг бошига битган бало, бундан факат ўзбек дехқонлари зарар қўрадилар. Бундан ташқари, биз Масковни пахта билан таъминляпмиз-у, ўзимиз етарли миқдорда саноат молларини, жумладан, мануфактура олмаяпмиз... »

Шунақа сухбатлар чоғида Акбар Аскарый (ўқитувчи) ҳамда Хайриддин Хасаний (қишлоқ

хўжалиги техникуми толиби) иштирок этишган.

Аёлларнинг юзини очиш масаласида Эшон Хўжа Хоний жадидларнинг кўзкарашларини баён қиларди. Яъни, «Аёлларнинг юзини очишга хали эрта ва хотин-қизларнинг ўзларини тайёрламасдан туриб юзларини очиш тўғрисида ўйлаш ҳам фойдасиз. Аввал уларни тарбиялаш керак, ана ундан кейин паранжи масаласини ўйлаб кўриш керак. Ўзбек аёлининг ҳозирги аҳолида унинг юзини очиш уни бузукликка итариш билан тенг», деб ҳисобларди.

У вақтларда Эшон Хўжа Хоний «Хужум» кампаниясида ҳеч қанақасига иштирок этмади, ўзининг хотинини ҳам очмади. Қизини очди, лекин уни ҳам факат ўқиётгани ва паранжида мактабга кўрина олмаслиги учун очди.

У жадид мактабларида сабоқ берарди, инқилобдан кейин 1926 йилгача совет мактабларида ўқитувчилик қилди, мактабларнинг мудири бўлиб ишлади. Совет мактабларида диндан дарс берарди. Эшон Хўжа Хоний мудирлик қилган «Хаёт» номли мактаб ўқувчиларининг менга айтишларича, у ўқувчиларга миллий (миллатчилик) гояларини ўқитган, мактаб жамоат ташкилотлари ва комсомол ишларига тўсқинлик қилган. «Ўқувчилар мактабда факат ўқиш билан банд бўлсинлар, ҳар хил жамоат ишлари, таълим-тарбия ишларига ҳалакит беради», дерди.

Шунингдек, у пахта кампаниясинида маъқулламасди. «Туркистон ўрисларнинг мустамлака ўлкасидир, — дерди у. — Дехқонларни, ишчиларни зўрлик билан пахта экишга мажбур қилишяпти ва пахтани ўзларининг ватанларига олиб кетишяпти.

Маҳаллий аҳолини эса товарлар ва саноат ускуналари билан таъминлашмаяпти, натижада аҳоли қаҳатчиликни бошидан кечирмокда. Бундан ташқари, аҳоли озик-овқат билан ҳам таъминланмаяпти». Бу қарашларини у шахсан менга айтмаган, буларни у ўзининг дўстларига айтган (Ақбар Аскарӣга ҳамда Хайриддин Хасановга. Иккинчиси Қишлоқ хўжалиги техникумида ўқийди). Маҳкамаларга ўрислар жойлашиб олганига у кескин қарши эди. «Бизнинг мамлакатда бегоналар кўпайиб кетди», дерди. Бир қуни хизматга бораётиб, кўчада кўриб қолдим, қим биландир гаплашиб турарди. «Беш йиллик режага биноан Қозогистонга ўч юзу қанчадир минг ўрисларни кўчиришни мўлжаллашяпти», деб турган экан ўша шеригига...

Эътиқоди жихатидан у тормиллатчи. Доимо ўрисларга қарши гапиради ва Ўзбекистонга ўрислар кўчиб қелавериш эгаллаб боряпти, ҳамма муассасаларда ўрислар ўтирибди, дерди. «Ўзбекистон муассасаларида ўзбеклар ўтириши керак», дерди у.

ХАСАН КОРИ ХОН ҳам менинг қариндошим (она томонидан, яъни, онамнинг укаси).

Мафқура жихатдан Эшон Хўжа Хонга яқин. Собик жадид, ўзоқ йиллар жадидларнинг қитоб дўқонига мудирлик қилган. 1926—27-йиллари ўзбек давлат нашриётининг дўқонида ишлаган. Ўзининг айтишича, Ўздавнашрда ишлаган чоғи ўрислар билан чиқишмаган ва шунинг учун ҳам уни ишдан ҳайдашган. Шундан кейин доим айтиб юрардики, ўрислар ўзбекларни кўрарга кўзлари йўқ ва улар доим ўзбекларни муассасалардан ҳайдашга ҳаракат қилишади ва ҳоказо...

Эшон Хўжа Хоний билан Хасан Қори Хоний Мунаввар Қори, Эсон Афанди, Салимхон Тиллахоновлар билан жуда яқин эдилар, бир-бирларини меҳмонга қорлашарди, суҳбатлар қилишарди, улфатчиликлар уюштириб туришарди. Нималарни гапиришгани менга қоронғи, чунки ҳеч қачон мен уларнинг орасида бўлмаганман.

МУНАВВАР КОРИ — жадидчиликнинг илҳомчисидир ва шу оқимнинг раҳбаридир. 1927

йили Тошкент музофоти зиёлиларининг курултойи бўлиб ўтди. Мен унда делегат эдим. «Кизил Ўзбекистон» газитининг мухбирлари номидан вакил сифатида катнашганман. Курултойда мафкура жабхасидаги кураш масаласида мунозара кўзголганда Мунаввар Кори нутк сўзлади ва: «Бу мафкурани бизнинг мафкурага мосласак бўлмасмикан», деди. Бундан кўринадик, у партия бу масалани кандай хал этаётганини маъқулламайди. Унга берилган бир кандайди саволга: «Ўрислар бизнинг ишларимизга халакит қилишяпти, мен улар билан қелишолмаганим учун хизматдан кетдим. Биз улар билан бир қозонда қайнамаймиз», деб жавоб қилди. Мунаввар Кори умум манфаати учун эмас, ўзининг манфаати учун қуйинаётганини шу мисол ҳам тасдиқлайди. У ўзининг обрўсини қўтармокчи. Унинг кураши ҳам обрў учун. У манфаатпараст шахс.

МУРОД ХЎЖА ДОМУЛЛА — эски шаҳардаги Ленин номли мактаб ўқитувчиси, У билан-яқинда танишдим, шунгача яқин танишлигим йўқ эди. 29-йили у «Зебунисо» мактабида хизмат қилган. У ҳам жаҳидлардан (тараккийпарварлардан), юқорида санаганларимиз билан муомаласи бор. Жулқуннинг «Мехробдан чаён» деган китоби чиққанида у бу китобни қониқиш билан ўқиди ва уни мактаб шеърлар битди. Бу шеърини у ўқувчиларга ўқиб берган, бу ҳақда мен Юнус Латифийдан билдим, Унинг кандай одамлигини ҳам, бугдой жамғариш ва пахта кампаниясига муносабатда аксилсоветий қарашларини ҳам менга Юнус Латифий айтди.

ЮСУФ ИНОГОМОВ — Наримонов техникумини мен билан бирга тугатган ва 28—29-ўқув йиллари ишга Термизга юборилган эди... Тошкентга қайтганда Термиздаги аҳвол ҳақида сўраганимда, у: «Термизда кўп муассасаларни ўрислар билан тоторлар эгаллаб олишган. Одамга алам қилади. Уларга имтиёзлар яратилган. Капиратив дўконлар уларга энг яхши молларни топиб беради. Шўрлик ўзбеклар ҳеч қачон улар билан тенг қўрилмайди, ҳар жабхада улардан паст туради», деди. Ҳозир Иноғомов қишлоқ факультетининг I курсида ўқийди. Қомсомол аъзоси эди, қиқибди.

ҲАЛИЛ ҒАФҒОРОВ ҳам қурсдошим. Бир вақтлар Ҳивада ишлаган, ўша ерда ақлдан озиб, Тошкентга қайтган. Ҳивадан қайтиб қелган баъзиларнинг айтишича, Ҳалил у ерда эски тарихимизга қизиқиб қолибди ва ўзбекларни эзаётган ўрисларни жуда ёмон қўриб қолибди ва шу асосда ақлдан озибди. Ҳозир ишламайди ҳам, ўқимайди ҳам. Унча-мунча қоғайиб қоряпти...

СТУДЕНТЛАР ҲАҚИДА

Қуйидаги студентлар Шорасул билан Мунаввар Корининг таъсиридадилар:

ГУЛОМ ҚОДИР ҲИҚМАТ — Наримонов техникумида ўқиган, адабиётга қизиқади, ўзининг асарлари ҳам бор. Бир қуни бир расм қизган, Унда думли қуёш бўлиб, у илонга ўхшаб ўзбекни бўғаетгани тасвирланган. Ўзининг тушунтиришича, қуёш - Ўқтабир

инкилоби, илон бошли дум эса — ўрислардир. Расмда: «Миллат, эҳ, менинг миллатим», деган ёзув битилган. Расмларини у айрим дўстларига кўрсатган ва ўзининг фикрларига кўшилишларини сўраб авраган. Бу ходиса муҳокама килинганда, у ўз ўқитувчилари Мунаввар Кори билан Шорасулнинг таъсирида бўлгани учун шунака расмлар чизганини айтган.

ГУЛОМ КОДИР КАРИМИЙ — миллатчи ва Шорасулнинг ишончли малайи. Техникумнинг II курс студентлари Шодихон Тўхтаев ва бошқаларнинг сўзига караганда, у Шариф Носир Хўжаевнинг албомига икки дарахтнинг расмини чизган. Биттаси катта, иккинчиси кичик. Каттаси кичигидан куёш нурларини тўсиб турибди. Ўзининг тушунтиришича, катта дарахт — ўрислар, кичиги эса — ўзбеклар эмиш. Шунинг ўзиёқ унинг миллатчилигига далолат...»

Менинг билганларим шугина.

Илдирим: Мадхиддин Мухаммадий.

15/XI. 29 й.

Перевёл: Пом. Упол. ВО ПП ОГПУ в Ср. Азии
(Каримов)»

* * *

Мадхиддин Мухаммадий жонбознинг «билганлари шугина» экан. Лекин у кишининг ўзлари ким-у, у киши сотаётган жадидлар ким эканини, жадидлар нима кайгуда-ю, бу киши ниманинг кайгусида эканини, ва ниҳоят, бу жамият қанақа асосга қурилганини-ю қандай кимсаларга таяниб иш кўрганини билиб олишимиз учун, ўйлашимча, бизга «шугина»нинг ўзи етса керак. Шу андишада бу жирканч чакувномани сатрма-сатр изоҳлаб беришни ортиқча машғулот деб билдик ва фикрлашни мулоҳазали ўқувчи ихтиёрига қолдириб, шу жойда нукта қўйдик.

Тангри ҳаммамизни бунақа шармандалиқдан асрасин. Омин

Нуруллох Мухаммад Рауфхон